

ПРЕЗИДЕНТ КАРАНТИН ҚОИДАЛАРИГА ТЎЛИҚ АМАЛ ҚИЛИШ КЕРАКЛИГИНИ ТАЪКИДЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 7 май куни ўтказилган видеоселектор йиғилиши бошида коронавирус пандемиясига қарши кураш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ишларга алоҳида тўхталиб ўтди.

— Охириги пайтда дунёда ҳар куни 90 — 100 минг нафар инсон бу вирус-ни юктириб олмакда, — деди давлатимиз раҳбари. — Бугунга келиб, унга чалинганларнинг умумий сони қарийб 4 миллионга етди. Минг афсуски, уларнинг 265 минг нафари оламдан ўтди.

Ўзбекистонда касалликка чалинган беморларнинг 72 фоизи соғайди. Айни пайтда шифохоналарда 635 нафардан зиёд бемор даволанмокда. Хориждан қайтган ва беморлар билан мулоқотда бўлган 45 минг фуқаромиз карантинга олинган.

Биз жуда катта куч сарфлаб, кўп саъй-ҳаракатлар, халқимизнинг кўмаги ва чуқур тушунишни, сабр-тоқати билан Ўзбекистонда бу офатни жилволаб турибмиз. Лекин барибир жуда ҳам зийраклик ва эҳтиёткорлик билан, карантин қоидаларига тўлиқ амал қилишимиз шарт. Бу хавф бутун дунёда бутунлай бартараф этилмас экан, хотир-жамликка берилишга асло ҳаққимиз йўқ.

Республикаимизда эпидемиологик вазият барқарорлашганидан фойдаланиб, вирусдан холи ҳудудларда иқтисодиётни юргизиб юбориш ва одамларни даромад билан таъминлаш мақсадида карантин талабларини аста-секин юмшата бошладик. Бунда биз аҳолининг карантиндаги турмуш шaroитини яхшилаш учун уларнинг қўллаб-муҳофазатларини ҳам инобатга олдик.

Ўтган селекторда берилган топшириққа мувофиқ, Республика комиссияси томонидан 8 майдан бошлаб, инфекция аниқланмаган ёки беморлар тўлиқ соғайган Навоий, Жиззах ва Қашқадарё вилоятлари “яшил”, охириги 14 кунда вирус аниқланмаган, лекин даволанаётган беморлар бўлган Сурхондарё, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳри “сарик”, доимий

равишда инфекция аниқланаётгани учун бошқа ҳудудларнинг барчаси “қизил” тоифали ҳудуд деб эълон қилинди.

Шунингдек, минтақаларнинг тоифасига қараб, рухсат этиладиган хизмат турлари ҳам аниқ ва тушунарли қилиб белгилан берилди. Албатта, “яшил” ҳудудларда кўпроқ, “сарик”да камроқ, “қизил”да чекланган сондаги хизматлар кўрсатилди.

Такрор ва такрор айтаман, жаҳонда, айниқса, биз яқин ҳамкорлик қиладиган давлатларда пандемия тобора кучайиб бораётганини, бу ҳолат бизга ҳам катта хавф солиши мумкинлигини асло унутмаслигимиз керак. Шу сабабли барчамиздан ҳушёрликни янада ошириш талаб этилади. Бу борада, фаолиятини умуман тўхтатмаган корхоналарда ҳам, ўз ишини қайтадан бошлашга рухсат берилган соҳаларда ҳам вирусга қарши курашиш бўйича чекловлар сўзсиз бажарилиши керак.

Яна бир бор такрорлайман, ҳар биримиз карантин ва санитария-гигиена қоидаларига қатъий амал қилиб, ўзимиз, яқинларимиз ва халқимизнинг соғлигини ҳимоя қилиш учун масъул эканлигимизни унутмаслигимиз зарур ва шарт.

Шу билан бирга, “сарик” ва “қизил” тоифадаги вилоятларда касаллик умуман аниқланмаган туманлар ҳам борилигини инобатга олиш лозим. Худди шундай, эртага “яшил” вилоятдаги бирор-бир туманда касаллик аниқланмаган бўлса, бутун вилоятнинг тоифасини ўзгартириш шарт эмас, — деди Президентимиз.

Республика комиссиясига ҳудудларни тоифага ажратишни туман ва шаҳарлар даражасида белгилаш бўйича топшириқ берилди.

Ў.А.

ҲУДУДЛАР ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ КЎРСАТИБ ЎТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 7 май куни Андижон, Навоий ҳамда Сурхондарё вилоятлари туман ва шаҳарларининг иқтисодий салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудуди ўзига хос. Бир вилоят ичидаги туманларнинг имкониятлари ҳам бир-бирига ўхшамайди. Шу боис Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар иқтисодиётини ривожлантириш масалалари алоҳида, манзилли тарзда муҳокама қилиб боришмоқда.

Давлатимиз раҳбари жойларга чиқиб, аҳоли билан гаплашиб, белгиланаётган чора-тадбирларнинг долзарб ва амалий бўлишига катта эътибор қаратмоқда.

— Шунча саъй-ҳаракатларимиз, қабул қилаётган қарорларимиз

қишлоқдаги оддий одамлар ҳаётига нима ўзгариш олиб қиряпти, даромади қўяйди, ишга жойлашдимми, боласи ўқишга кирдимми, уйли-жойли бўлдими, тўйиб овқатланаяптими, тоза сув ичяптими, деган саволлар мени жуда қийнайди. Бу борада даражадаги раҳбарлар халқимиз олдида жавоб бериши керак бўлган энг асосий саволлардир, — деди Президент.

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ МАТЕМАТИКА СОҲАСИДАГИ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШ ВА ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда математика 2020 йилдаги илм-фанни ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди. Ўтган давр ичида математика илм-фани ва таълимини янги сифат босқичига олиб чиқишга қаратилган қатор тизимли ишлар амалга оширилди:

биринчидан, илғор илмий марказларда фаолият юритаётган ватандош математик олимларнинг тақлиф қилиниши ва халқаро илмий-тадқиқотлар олиб борилиши учун зарур шарт-шaroит яратилди;

иккинчидан, халқаро фан олимпиадаларида голиб бўлган ёшларимиз ва уларнинг мураббий устозлари меҳнатини рағбатлантириш тизими жорий этилди;

учинчидан, олий таълим ва илмий-тадқиқотларнинг ўзаро интеграциялашувини таъминлаш мақсадида Талабалар шаҳарчасида Фанлар академиясининг В. И. Романовский номидаги Математика институтининг (кейинги ўринларда — Институт) янги ва замонавий биноси барпо этилди. Математика соҳасидаги фундаментал тадқиқотлари молиялаштириш ҳажми бир ярим баробарга оширилди, бюджет маблағлари ҳисобидан суперкомпьютер, замонавий техника ва асбоб-ускуналар харид қилинди;

тўртинчидан, илмий даражали кадрларни тайёрлашнинг бирламчи босқичи сифатида стажёр-тадқиқотлик институти жорий этилди;

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ МАТЕМАТИКА СОҲАСИДАГИ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШ ВА ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда математика 2020 йилдаги илм-фанни ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди. Ўтган давр ичида математика илм-фани ва таълимини янги сифат босқичига олиб чиқишга қаратилган қатор тизимли ишлар амалга оширилди:

биринчидан, илғор илмий марказларда фаолият юритаётган ватандош математик олимларнинг тақлиф қилиниши ва халқаро илмий-тадқиқотлар олиб борилиши учун зарур шарт-шaroит яратилди;

иккинчидан, халқаро фан олимпиадаларида голиб бўлган ёшларимиз ва уларнинг мураббий устозлари меҳнатини рағбатлантириш тизими жорий этилди;

учинчидан, олий таълим ва илмий-тадқиқотларнинг ўзаро интеграциялашувини таъминлаш мақсадида Талабалар шаҳарчасида Фанлар академиясининг В. И. Романовский номидаги Математика институтининг (кейинги ўринларда — Институт) янги ва замонавий биноси барпо этилди. Математика соҳасидаги фундаментал тадқиқотлари молиялаштириш ҳажми бир ярим баробарга оширилди, бюджет маблағлари ҳисобидан суперкомпьютер, замонавий техника ва асбоб-ускуналар харид қилинди;


тўртинчидан, илмий даражали кадрларни тайёрлашнинг бирламчи босқичи сифатида стажёр-тадқиқотлик институти жорий этилди;

(Давоми 2-бетда).

ХАЛҚИМИЗ ЖАСОРАТИ ВА МАТОНАТИ БАРҲАЁТДИР

Кўп миллатли Ўзбекистон халқи бутун тараққиётпарвар инсоният қатори 1941 — 1945 йилларда Иккинчи жаҳон урушида фаол иштирок этиб, буюк ғалабани таъминлашга муносиб ҳисса қўшди.

Ўзбекистон халқининг уруш йилларида кўрсатган мардлик ва қаҳрамонликлари, фронт ортида кечган оғир ва машаққатли ҳаёти биз учун катта ҳаёт мактаби, гурур ва ифтихор манбаи бўлиб, вақт ўтган сайин бу ўлмас қадриятларнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

МАТЕМАТИКА СОҲАСИДАГИ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШ ВА ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

бешинчидан, илм-фан соҳасидаги устувор муаммоларни тезкор бартараф этиш, фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини кўнайтириш масаласини Ҳукумат даражасида белгилаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири раислигида Фан ва техно­логиялар бўйича республика кенгаши ташкил этилди.

Шу билан бирга, соҳада ечимини толмаган қатор масалалар ма­те­ма­тика соҳасидаги таълим сифати ва илмий-тадқиқот самарадор­ли­гини оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш за­ру­ратини кўрсатмоқда. Жумладан:

биринчидан, математика таълимотининг таълим олиш босқич­ла­ри ўртасидаги узвийлик тўлиқ таъминланмаган;

иккинчидан, умумтаълим мактабларида математика дарсликлари ўқувчиларнинг ёшига нисбатан фанни ўзлаштиришни қийинлаштирувчи мураккаб масалалардан иборат ва бошқа фанларда ўтиладиган мавзулар билан уйғунлаштирилмаган;

учинчидан, математикага қизиқувчан, халққо олимпиадалар қолиблари бўлган ақсариёт иқтидорли ёшларимиз ҳудудлардан бўлишига қарамасдан уларнинг келгуси ривожланиши учун олий таълим ва илм-фан соҳасида зарур шарт-шароит яратиб берилмаган;

тўртинчидан, математика соҳасидаги илмий-тадқиқотнинг амалиёт ва ишлаб чиқариш билан боғлиқлиги заифлигича сақланиб қо­ло­моқда;

бешинчидан, соҳадаги олимларнинг хорижий илмий ва таълим муассасалари билан алоқалари миллий математикани жаҳон миқёсига олиб чиқиш, халққо ҳамжамиятда нуфузини ошириш учун етарли эмас.

Таълимнинг барча босқичларида математика фанини ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш, педагогларнинг самарали меҳнатини қўллаб-қувватлаш, илмий-тадқиқот ишларининг қўламини кенгайтириш ва амалий аҳамиятини ошириш, халққо ҳамжамият билан алоқаларни мустақамлаш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харақатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва оқамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш, илмий-тадқиқотларни ривожлантириш ва илмий ишланмаларни амалиётга жорий қилишнинг **устувор йўналишлари этиб белгиланси**:

мактабгача, умумий ўрта, ўрта махус, профессионал, олий таълим ташкилотлари ва илмий муассасалар ўртасидаги яқин ҳамкорликни таъминловчи **яхлит тизимни шакллантириш**;

илгор хорижий таърибга асосида **мактабгача ёшдаги болаларда илк математик тасаввурларни шакллантириш** бўйича замонавий педагогик технологияларни жорий қилиш;

умумий ўрта ва ўрта махус таълим муассасаларида математика фанларини қўйтиш сифатини ошириш, **ҳудудларда математика фанига иқтисослаштирилган мактаблар фаолиятини ривожлантириш ҳамда янги мактабларни ташкил этиш**;

математика фани бўйича кадрларни, хусусан, қишлоқ жойлардаги мактабларнинг кадрларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини ривожлантириш, математика фани бўйича дарслиқлар ва ўқув қўланмаларни такомиллаштириш;

иқтидорли ёшларни аниқлаш ҳамда уларнинг математика фани бўйича маҳаллий ва халққо фан олимпиадаларида **муваффақиятли иштирок этишини ҳамда совринли ўринларни эгаллашини таъминлаш**;

таълим беришнинг **онлайн платформасини яратиш** ва амалиётга татбиқ этиш, **масофадан ўқитиш тизим**и самарадорлигини ошириш, баҳолаш тизимининг шаффофлигини таъминлаш механизмларини жорий қилиш;

Математика фанини билиш даражасини баҳолаш бўйича миллий сертификатлаштириш тизимини жорий қилиш, олий таълимнинг тегишли йўналишлари ва мутахассисликларида математика фани **бўйича машғулотларни кўпайтириш ҳамда таълим бериш сифатини ошириш**;

математика соҳасидаги илмий-тадқиқотларнинг ишлаб чиқариш билан узвий боғлиқлигини таъминлаш, **амалий математикани ривожлантириш ва иқтисодиёт тармоқларидаги муаммоларни моделлаштириш** асосида математик ечимларни ишлаб чиқиш;

математика соҳасида таълим олаётган ва илмий-тадқиқотлар билан шугулланаётган **иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш**, чет элдаги олий таълим муассасалари ҳамда илмий ташкилотлар билан алоқаларни ривожлантириш;

мамлакатимизнинг илмий ва таълим ташкилотларини **босқичма-босқич жаҳоннинг математика фани бўйича етакчи илмий марказлари даражасига** етказиш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ЭКСПОРТ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Экспорт қилишда автомобиль, темир йўл ва ҳаво транспортида ташил харажатларининг бир қисми компенсация қилинадиган маҳсулотлар рўйхати 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Республика ҳудудлари ва тармоқлари экспорт салоҳиятини ривожлантириш маса­ла­лари бўйича доимий фаолият юритувчи рес­пуб­лика комиссиясига (С. У. Умуразов) (кейинги ўринларда — Республика экспорт комиссияси) экспорт қилишда транспорт хара­жатларининг бир қисmini компенсация қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан субсидиялар тақдим этиладиган мах­су­лотлар рўйхатига ўзгатириш ва қўшим­чалар киритиш, субсидиялар тақдим этиш шартлари ва миқдорларини белгилаш ҳамда тартибini тасдиқлаш, шунингдек, мах­су­лот тури, ҳажми ва экспорт йўналишига қараб субсидиянинг қатъий миқдорларини бел­ги­лаш ваколати берилсин.

Республика экспорт комиссияси бир ҳафта муддатда маҳаллий экспорт қилувчи корхоналар (уларнинг ваколатли вакиллари)га мах­су­лотларни экспорт қилиш­да, шу жумладан, 2020 йил 1 апрелдан буён амалга оширилган экспорт бўйича **авто­мо­бил, ҳаво ва темир йўл транспорт**ида ташил харажатларини қисман компенсация қилишга субсидиялар тақдим этиш тартиби­ни тасдиқласин.

3. Ўзбекистон Республикаси божхона че­ғарасидан **экспорт операциялари бўйи­ча** олиб ўтилаётган товарларнинг божхона

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЁВ
Тошкент шаҳри, 2020 йил 7 май	

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

МАТЕМАТИКА СОҲАСИДАГИ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШ ВА ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

2. 2020 — 2023 йилларда Ўзбекистон Республикасида математика фанлари бўйича таълим сифатини яхшилаш, илмий-тадқиқотларнинг натижадорлиги ва амалий аҳамиятини оширишнинг мақсади дастури 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Фанлар академияси ва Инновацион ривожланиш вазирлигининг **ҳар бир туманда (шаҳарда) математика фанини чуқурлаштириб ўқитишга иқтисослаштирилган мактабларни** (кейинги ўринларда — Иқтисослаштирилган мактаблар) босқичма-босқич ташкил этиш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги 2020 йил 1 ноябрга қадар Иқтисослаштирилган мактабларни ташкил этиш бўйича манзилли дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Белгилансинки, Иқтисослаштирилган мактабларда: мактаб директори тегишли туман (шаҳар) ҳокимининг **иқтисодий ва бошқарув жараёнларида математик усуллар ва моделларни жорий қилиш масалалари бўйича маслаҳатчиси** ҳисобланади; мактаб директори Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан Институт директори билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади; математика фани чуқурлаштирилиб ўқитиладиган синфлар босқичма-босқич, мавжуд эҳтиёж ва ўқувчиларнинг қобилиятидан келиб чиқиб ташкил этилади; ўқувчилар белгиланган тартибда **танлов асосида саралаб олинади**;

математика фани чуқурлаштирилиб ўқитиладиган синф битирувчилари тегишли олий таълим муассасаларининг математика таълим йўналишларига қаратилган **мақсадли параметрлар бўйича ўқишга қабул қилинади**.

5. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ун ой муддатда:

Иқтисослаштирилган мактабларнинг низомиларини, мазкур мактабларда математика фани **ўқитувчиларини танлов асосида ишга қабул қилиш тартиб**ини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

2021 йил 1 сентябрдан бошлаб Иқтисослаштирилган мактаблар раҳбар кадрлари (директор ва иқтисослаган фан бўйича директор ўринбосари) ва математика фани ўқитувчиларининг базавий тариф ставкасига нисбатан **50 фоиз миқдорда ҳар ойлик устама ҳақ тўлаш тартиб**ини назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махус таълим вазирлиги Иқтисослаштирилган мактабларда Институт ва олий таълим муассасаларининг юқори малакали профессор-ўқитувчиларини жалб қилган ҳолда **масофавий таълим орқали дарс машғулотларини ўтказиш** чораларини кўрсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази Фанлар академияси ва “Ўзстандарт” агентлиги билан биргаликда 2021 йил 1 январга қадар **Математика фанини билиш даражасини баҳолаш бўйича миллий сертификатлаш тизимини** (кейинги ўринларда — Миллий сертификатлаш тизими) жорий қилсин.

8. Миллий сертификатлаш тизими доирасида қуйидагилар белгилансин:

математикани билиш даражасини баҳолаш ва бу тўғрисида миллий малака сертификатини (кейинги ўринларда — миллий сертификат) бериш ўрнатилган тартибда **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан амалга оширилади**;

математикани билиш даражасини баҳолаш **табақалаштирилган ҳолда амалга оширилади**;

имтибэ берилладиган даражадаги миллий сертификатга эга абитуриент давлат олий таълим муассасасига ўқишга киришда **математика фанидан тест синовни топширишдан озод этилади ва унга математика фани учун белгиланган максимал балл берилади**;

2021 йил 1 сентябрдан бошлаб Иқтисослаштирилган мактабларнинг **математика фани бўйича ўқитувчилари тегишли даражадаги миллий сертификатга эга бўлишлари мажбурий ҳисобланади**;

Миллий сертификатлаш тизими учун **тест топшириқлари базасини шакллантириш ва мунтазам янгилаб боришда** эксперт сифатида Институт илмий ходимлари жалб қилинади;

миллий сертификатнинг тегишли даражасига эга математика фани ўқитувчиларига (Иқтисослаштирилган мактабларнинг математика фани ўқитувчиларидан ташқари) улар фаолият олиб бораётган давлат таълим муассасасининг жойлашувига қараб **базавий тариф ставкасига нисбатан 25 фозидан 50 фоизгача ҳар ойлик устама ҳақ тўланади**.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда илмий фаолиятга доир давлат дастурига ажратилган маблағлар ҳисобидан 2021 йил 1 январга қадар **Миллий сертификатлаш тизимининг онлайн платформасини** ишлаб чиқсин ва жорий этсин.

10. Институт таркибига 5 та штат бирлигидан иборат **Математика таълими бўйича ўқув-услубий материалларни мувофиқлаштириш лабораторияси** ташкил этилсин.

Белгилансинки, “Математика таълими бўйича ўқув-услубий материалларни мувофиқлаштириш” лабораторияси фаолиятини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан Институтни сақлаш учун ажратилган маблағлар доирасида амалга оширилади.

11. 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ давлат таълим муассасаларида қўлланиладиган математика фани бўйича дарслиқлар ва ўқув қўланмаларни ишлаб чиқишда **мажбурий тартибда Институтнинг эксперт хулосаси олинади**.

12. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махус таълим вазирлиги 2020 йил 1 сентябрга қадар:

математика бўйича билим, малака ва қўникмалар талаб этиладиган таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг ўқув режаларида математика **фани учун ажратилган соатлар ҳажмини ошириш**;

кадрлар истеъмолчилари мутахассисларини жалб этган ҳолда битирувчиларда соҳага оид математика бўйича **амалий билим, малака ва қўникмаларни шакллантириш ҳамда ривожлантиришга** қаратилган лойиҳа ишларини амалга ошириш;

кадрларни интегратив фанларго тайёрлаш мақсадида математика таълим йўналишларида қўшимча фанларни (биология, геология, кимё, физика ва бошқалар) жорий қилиш чораларини кўрсин.

13. Институт ҳузурида юридик шахс макомига эга бўлмаган **Математика фани ва таълимини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси** (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Жамғарма фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида Институт тузилмасида Жамғарма маблағлари ҳисобидан сақланадиган 2 штат бирлигидан иборат **Математика фани ва таълимини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси** маблағларини бошқариш гуруҳи ташкил этилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Фанлар академиясининг математика соҳасидаги фундаментал ва амалий илмий изланишлари натижаларига кўра амалиётдаги муайян муаммонинг ечимини тақлиф этган олимлари мукофотлаш мақсадида **Ўзбекистон Республикаси Президентининг Мухаммад Ал-Хоразмий номидаги халққо мукофотини** (кейинги ўринларда — Мукофот) таъсис этиш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин.

15. Белгилансинки:

Мукофот билан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар тақдирланади;

Мукофот икки йилда бир марта Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Фан ва технологиялар бўйича республика кенгашнинг тақлифига кўра учта йўналиш (фундаментал соҳадаги тадқиқот, ёшлар ўртасидаги тадқиқот ва иқтисодиётнинг реал секторидаги муаммонинг ечимини таъминлаган тадқиқот) бўйича берилди;

ҳар бир йўналиш бўйича Мукофот совриндорларига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан **50 минг АҚШ доллари эквивалент**идаги пул мукофоти берилди;

Фан ва технологиялар бўйича республика кенгашида Мукофот номзодларини кўриб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг тасвियोмасига кўра амалга оширилади; тақдирлаш учун номзодлар бўйича тақлифлар Ўзбекистон математика жамияти томонидан ўтказиладиган доимий кузатувлар асосида шакллантирилади ва Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигига тақдим этилади;

Мукофот совриндорига пул мукофотини тўлаш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш 2021 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Инновацион ривожланиш вазирлигига ажратиладиган маблағлар доирасида амалга оширилади.

16. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги Молия вазирлиги ва Фанлар академияси билан биргаликда икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Мухаммад Ал-Хоразмий номидаги халққо мукофоти билан тақдирлаш тартибini ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

ҲУДУДЛАР ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ КЎРСАТИБ ЎТИЛДИ

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Марказдаги раҳбарлар қарорлар қабул қилишда ҳокимларнинг умумий ҳисоботла­ри билан қиёояларни қолаётгани танқид қилиниб, бундан буён ҳудудларга оид ҳар бир масалани аниқ туман, қишлоқ, маҳал­ла, соҳа ва корхона кесимида, муаммонинг энг қуйидаги илдизигача тушиб, уни ҳал қилиш зарурлиги таъкидланди. Дасту­рлар ишлаб чиқишни ҳар бир қишлоқдан бош­лаш, қайси қишлоқда қайси йўналишни ри­вожлантириш, бунга қанча маблаг ажратиш кераклигини аниқ кўрсатиш талаби қўйил­ди.

Масалан, Сурхондарёда 55 мингта, Андижонда 41 мингта, Навоий вилоятида 14 мингта оилани камбағалликдан чиқариш лозим. Кичик корхоналарни кўпайтириш, ҳунармандчиликни қўллаб-қувватлаш, қишлоқ ҳўжалиги махсулотлари етиштириш орқали аҳоли фаровонлигини ошириш зарур.

Йигилишда бунинг учун учта йўналишда­ги ишларга қўшимча туртки бериш зарур­лиги кўрсатиб ўтилди. Биринчи йўналиш — саноатни ривожлан­тириш, мавжуд хомаёшни чуқур қайта иш­лаш, ҳар бир туман, қишлоқ ва маҳаллани иқтисослаштириш.

Андижон, Навоий ва Сурхондарё вилоят­ларида ишлаб чиқаришнинг асосий қисми битта тармоққа ёки республика тасаруфи­даги корхоналар ҳиссасига тўғри келади. Жумладан, Андижонда саноат ишлаб чиқаришининг 69 фоизини машинасоз­лик, Навоийда 62,5 фоизини кон-металлур­гия ташкил этади. Сурхондарё саноатининг мамлакатдаги улуши атиги 1,5 фоиз, яли ҳудудий махсулотдаги улуши эса атиги 8 фоиз бўлиб, республикада энг паст кўрсат­кичлардан биридир.

Йигилишда ушбу ҳудудларда саноат тар­моқларини диверсификация қилиш учун бар­ча имконият борлиги таъкидланди, бу бо­радаги чора-тадбирлар белгиланди. Хусусан, Андижон вилоятининг Хўжаобод туманида ташаббускорларга 32 та тикув-трикотаж корхонаси учун жой ажратиш бўйича кўрсатма берилди. Бу корхоналарда 6,5 минг­та иш ўрни яратилади.

Буюқош тумани тоғ ҳудудидаги кон­ларни ўзлаштириб, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, Олтинкўл

17. Қорақалпоғистон Республикасида, Бухоро, Наманган, Самарқанд ва Хоразм вилоятларида Ўзбекистон Республикаси **Фанлар академиясининг В. И. Романовский номидаги Математика институтининг ҳудудий бўлинмалари** (кейинги ўринларда — ҳудудий бўлинмалар) ташкил этилсин ҳамда уларнинг намунавий штат жадвали 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

18. Белгилаб қўйилсинки:

ҳудудий бўлинмалар ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича харажатларни молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан Институтни сақлаш учун ажратилган маблағлар доирасида амалга оширилади;

ҳудудий бўлинмалар жойлаштирилган бино ва иншоотларни сақлаш ҳамда коммунал тўловлар бўйича харажатларни қоплаш тегишли олий таълим муассасасининг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

ҳудудий бўлинмаларни юридик шахс ҳисобланмайдн ва Институтнинг таркибидаги илмий бўлинмалари сифатида фаолият юритади; ҳар бир ҳудудий бўлинма таркибида бир штат бирлигидан иборат, 2021 йилда Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан сақланадиган ва 2022 йилдан бошлаб тўлиқ ҳўжали ҳисобига ўтказиладиган **Ўқув марказлари фаолият юритади**;

ҳудудий бўлинмаларнинг раҳбарлари Институт директори томонидан тегишли олий таълим муассасасининг ректори билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

ҳудудий бўлинмаларнинг илмий-тадқиқот ишлари Институтнинг иш режаси ва илмий-тадқиқот ишлари доирасида амалга оширилади.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Олий ва ўрта махус таълим вазирлиги ҳамда Фанлар академиясининг Институт ҳузурида қонун ҳўжатларига мувофиқ ҳолда математика иқтисосликларни бўйича фан доктори (DS) ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларини берувчи илмий кенгашни (кейинги ўринларда — илмий кенгаш) ташкил этиш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин.

20. Институт раҳбарияти илмий кенгаш аъзоларининг ярмидан кўпи Институтда фаолият юритишини, шу жумладан, ўриндошлик асосида жалб этилишини ҳамда изланувчиларнинг диссертацияларига илмий раҳбарлик ва маслаҳатчилик қилишини таъминласин.

21. Белгилаб қўйилсинки:

изланувчининг диссертацияларини илмий семинар ва илмий кенгаш ййғилишларида **кўриб чиқиш ҳамда муҳокама қилиш санаси** илмий кенгаш томонидан белгиланади;

изланувчига **тегишли илмий даражани бериш тўғрисидаги қарор** илмий кенгаш томонидан қабул қилинади;

илмий кенгаш изланувчига диссертацияни муваффақиятли ҳимоя қилган кўнунинг ўзида давлат намунасидаги илмий даража бўйича **дипломни бериш ваколатига эга**;

илмий кенгашнинг таркиби Институт кенгаши тасвиясига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси билан келишилган ҳолда Институт кенгаши қарори билан тасдиқланади.

22. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Давлат активларини бошқариш агентлиги Институт учун Тошкент шаҳар Олмасор тумани Университет кўчасида янги қурилган бинони Институтга оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бегараз ўтказиб берилишини таъминласин.

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 июлдаги “Математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қуватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг В. И. Романовский номидаги Математика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ — 4387-сон қарорига 3-иловага мувофиқ ўзгартириш киритилсин.



■ Факт ва рақамлар

ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ҒАЛАБАГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ

Иккинчи жаҳон уруши даврида Ўзбекистон мудофаянинг моддий ахтиёжини таъминлашда муҳим ўрин тутди. Уруш йилларида аҳоли томонидан мудофая жамғармасига 649,9 миллион сўм нақд пул, 4 миллиард 226 миллион сўм заём пули, 52,9 кило олтин ва қумуш топширилди. Армияга 7 518 800 гимнастёрка, 2 636 700 пахталик, 2 221 200 этик ва қўнқли ботинка оёририлди. Ёнгил саноат вазирлиги корхоналари томонидан фронтга 246 918 700 сўмлик маҳсулот жўнатилди.

■ **Тошкент тўқимачилик комбинати фронт учун 410 миллион метр газлама ишлаб чиқарди.**

1942 йили вақиллар Ленинградга 600 вагон ун ва гўшт, 100 вагон гуруч, 60 вагон қуруқ мева олиб боргнлар.

■ **Урушнинг тўрт йили давомида Ўзбекистон давлатга 4 806 000 тонна пахта, 54067 тонна пилла, 1 066 000 тонна ғалла, 195 000 тонна шолӣ, 108 000 тонна картошка, 374 000 тонна сабзавот ва ҳўл мева, 35289 тонна қуруқ мева, 57444 тонна узум, 1 593 000 тонна гўшт, 5 286 000 дона тери топширган.**

Жанг бўлаётган ҳудудлардан Ўзбекистонга кўчирилган бир миллион киши бошпана, кийим-бош ва озиқ-овқат билан таъминланди. Жумладан, 200 минг етим боланинг аксариятини ўзбек oilалари ўз қарамонига олди, фарзандларидан кам қўрмай тарбиялади.

■ **Ўзбекистон 113 ҳарбий шифохонани оталиққа олди. 1943 йилнинг ўзида ҳарбий хизматчиларнинг oilаларига 24 миллион сўм нақд пул, 300 минг кийим-кечак, 50 минг бош қорамол, 40 минг центнер ғалла, 20 минг центнердан ошқ сабзавот берилди.**

Аҳолининг бир қисми “Ишчи батальони”га — Россияга сафарбар қилинди. Уларнинг орасида 16 ёшдан ошган ва ҳўнар билим юртини тамомлаган ёшлар ҳам бор эди. 1943 йилга тегишли маълумотда кўрсатилишича, “Ишчи батальони”дагиларнинг сони 155 минг кишидан ibорат бўлган.

■ **Ўзбекистон 1943 йили немис-фашистларидан озод қилинган ҳудудларга ёрдам беришни бошлаб юборди. Масалан, мазкур йилнинг октябрида Ўзбекистондан Беларусь, Украина ва Россиянинг душманлар тазолаган ерларига 800 нафар шифокор сафарбар қилинди. 1944 йилнинг биринчи ярмида esa Украинага 300 тонна балла, 8300 бош қорамол, 6700 бош қўй жўнатилды. 1943-44 йилларда озод этган шахару кишлоқларга Қорақалпоғистондан 45 800 000 бош қорамол ва қўй юборилди.**

1944 йили немис-фашистларидан тазолаган республика ва вилоятларга 100 000 дона китоб совға қилинган эди.

■ **1943-44 йилларда озод қилинган ерларга Ўзбекистондан 13 000 дан ортққ темир йўл мутахассиси, ҳўнар билим юртларинан 150 000 ёш йигит Ленинград, Киев ва Дунайга йўл олди.**

Ўзбекистон саноат соҳасида ҳам катта ишларни амалга ошириб, Россия, Украина ва бошқа жойлардан кўчириб келтирилган ўнлаб корхоналарни жойлаштириб, уларнинг ишчи-хизматчиларини бошпана ва озиқ-овқат билан таъминлади.

■ **Тошкентдаги ҳарбий билим юртлари фронт учун бир неча минг нафар командир ва сиёсий ҳодимларни тайёрлади. Урушнинг дастлабки oilларида Тошкент шаҳрининг ўзидан 100 минг йигит ва қисман аёллар ҳарбий хизматга жалб қилинди.**

Ўзбек халқи Иккинчи жаҳон урушида фашистларни тор-мор этишга молини ҳам жонини ҳам тикди. Таъбир жоиз бўлса, топган битта нарсани тўртга бўлиб, биттасини ўзига, қолганини бевосита фронтга, сўнг республикага кўчириб келтирилганларга, жангта кептанларнинг oilаларига, ҳарбий шифохоналарга, фашистлардан озод қилинган ҳудудларнинг оч-ночор аҳолисига берди.



эди. Қўрьон тиловат қилиб, Яратпандан ўттанлар руҳи шод бўлишини сўради. Сўнг қабрдан бир сизм тупроқ олди...

Тангчи бобо ҳокн Ватанига, аж-доллари ману ором топган мазорга қўйилди.

Дилшод КАРИМОВ
(«Халқ сўзи»).

ХАЛҚИМИЗ ЖАСОРАТИ ВА МАТОНАТИ БАРҲАЁТДИР



Буюк ғалабанинг 75 йиллиги ҳамда Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан халқимизнинг уруш йилларидаги улкан жасорати ва матонатини аниқ тарихий ҳужжатлар асосида ёш авлдога етказиш, уруш ва меҳнат фронтнда заҳмат чеккан инсонларнинг азиз номларини абадийлаштириш мақсадида “Ўзбекистон” нашриётида **“Ўзбекистон халқининг фашизм устидан қозонилган ғалабага қўшган ҳиссаси”** номли китоб-альбом тайёрланиб, “Колор-пак” басмахонасида ўзбек, рус ва инглиз тилларида 20 минг нусхада чоп этилди.

Мазкур китоб-альбом Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабага Ўзбекистон халқининг қўшган муносиб ҳиссасига бағишланган китоб-альбомни нашр этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармойиши асосида Фанлар академиясининг Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича Муво-

фиқлаштирувчи-методик маркази илмий ҳодимлари томонидан бир қатор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда тайёрланди.

Ушбу нашрда юртимиз ва чет эллардаги архив ва музейларда, уруш қатнашчилари ва уларнинг oilаларида сақланаётган, ҳали кўпчиликка маълум бўлмаган ноёб тарихий факт ва маълумотлар, суратлар, хатлар, хотиралар жамланган.

Китобда ўзбекистонлик аскарларнинг қонли жангларда кўрсатган жасоратлари, Брест қалъаси, Москва остонаси, Сталинград, Курск, Ленингради озод қилиш ҳамда Берлин учун бўлган жанглардаги қаҳрамонликлари тарихий фактлар асосида ёритилган.

Ўзбекистонлик қаҳрамон аскар ва офицерлар ҳақидаги янги маълумотлар, жумладан, 24 ёшида Совет Иттифоқи Қаҳрамони бўлган Қўчор Турдиев, генерал Собир Раҳимов, Шароф Рашидов, Зебо Ғаниева, Мамадали Топиловдєв, Аҳмаджон Шукуров ва бошқа кўплаб ватандошларимизнинг жа-

соратлари ҳақидаги тарихий лавҳалар китоб мазмунини янада бойитган.

Урушда беш фарзандидан жудо бўлган Зулфия ая Зокированинг матонати тимсолида оз минглаб оналари-мизнинг метин иродаси, улкан сабр-бардоши ўз ifодасини топган.

Уша оловли йилларда Ўзбекистонда етти ёшдан етмиш ёшгача бутун халқимиз **“Ҳамма нарса — фронт учун, ҳамма нарса — ғалаба учун!”** деб яшаб, ором ва ҳаловатдан воз кечиб, тинимсиз оғир меҳнат қилгани аниқ мисоллар орқали ёритиб берилган.

Фашизмга қарши қурашда юртимиз зиёлилари, илм-фан, адабиёт ва санъат вақилларининг қўшган муносиб ҳиссаси ҳам китоб-альбомда атрофлича акс эттирилган.

Ушбу нашрда, шунингдек, фронт ҳудудларидан кўчириб келтирилган минглаб инсонларга бошпана берган, ота-онасидан жудо бўлган болаларни **“Сен етим эмассан!”** деб ўз бағрига олган ўзбек халқининг юксак инсонпарварлик фазилатлари ҳақида сўз боради.

ЭНГ УЛУҒ НЕЪМАТ

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Зайнобиддин ота Қодиров 95 ёшда. У илк бор 1942 йили Сталинград остонасидаги жангларда иштирок этган. Шундан сўнг Европани фашизм балосидан халос қилишда қатнашди. Ғалабани Берлинда нишонлаган.

— Урушнинг инсоният бошига солган офатларини ўз кўзимиз билан кўрдик, азобларини бошимиздан кечирдик, — дейди Зайнобиддин ота. — Бу дунёда эл-юрт тинчлиги ва осойишталиги, инсон соғлиғидан катта бойлик йўқ. Бунинг учун ҳар бир инсон ўз сиҳат-саломатлигини қадрлаши, турмуш тарзини оқилона ташкил этиши лозим. Гувоҳи бўлганимиз,

қисқа вақт ичида дунёга ёйилган “кўз илғамас ёв” — коронавирус пандемияси ҳаммани синовдан ўтказмоқда. Ахсиямки, мамлакатимизда ўз вақтида қўрилган қатъий чоралар тўғрйли кўпчилик бу дардни енгди, қурбонлар кам бўлди. Бу йилги Хотира ва Қадрлаш кунини уйда, карантин қоидаларига амал қилган ҳолда қарши олаётганимдан асло хафа

«УРУШДА СОЧИМ ОҚАРГАН»

Пойтахтимизнинг “Профессорлар” шаҳарчасида узоқ йиллар ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ)нинг журналистика факультетида фаолият кўрсатган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, профессор Абдулла Аюпов истиқомат қилади. У кишининг “Хотира дафтари”дан бир лавахасини эътиборингизга ҳавола этамиз.

...1941 йил октябрь ойида Чирчиқда бир ҳафталик фронтга тайёрловдан ўтганимиздан сўнг, Тошкент вокзалига олиб келиб (мени оёқ кийимим йўқлиги учун аравада олиб келишган эди), Москва мудофасига жўнатишди. Багонда аскарлар тўлалигидан ётишга жой етишмайди. Станцияларда вагон эшиги очилмайди. Бу аскарлар қочиб кетишмасин, деб қўрилган чора эди, шекли. Эшелон Қозогистоннинг қайси бир бекатида тўхтаганида бизга иссиқ кийим ва иссиқ овқат берилди. Шу аҳволда Москва шахрига етиб бордик.

Ҳаммомга тушдик. Кечаси ухлаб, дам оламиз, деб турсак, “тревога” эълон қилиниб, кўлимизга милтик беришди. Пиёда Волоколамск йўналишидаги фронтга олиб боришди. Совуқ –30 даража, осмон қип-қизил, бу — ёнаётган кишлоқларнинг шуъласи экан. Самодан самолётлар кетма-кет бомба ташлап-ти. Гумбурулган тўп овозлари ва пулемётларнинг тириллаши эшитилиб турибди. Уша даврда немислар Москва остонасига анча яқинлашиб қолган экан.

Шу йили 28 ноябрда биз оқолпарга жойлашдик. Улар маҳаллий аҳоли томонидан қазиб қўйилган экан. Билсам, бу фронтнинг иккинчи линияси экан. 6 декабрдан фашистларга қарши ҳужум-га киришдик. Бир қанча кишлоқларни

озод қилдик. Адашмасам, Павлов деган кишлоқ учун бўлган жангда оёғимдан яраландим. Тиббиёт пунктига олиб боришди. Оёқ қип-қизил қон, шишиб кетган. Бир гуруҳ ярадорлар билан юк машинаси қузовига похол солиб ётқизиб, Москвадаги бир шифохонага олиб боришди. Шифокорлар, ҳамширалар тиним билмас, кеча-кундуз ишлашарди.

1942 йил 20 мартда шифохонадан соғайиб, ҳарбий комиссариатга бордим. У ерда комиссия мен билан суҳбатлашиб, Сормово шахридаги танкчилар мактабига ўқишга юборди. 6 ой ўқиб, танк ҳайдовчиси бўлиб чиқдим. Кўп ўтмай, танк қурол-яроғларини жамлаб, эшелонга ортдик ва 26 августда Сталинград фронтига етиб келибюқ жангга отландик. Тўқнашувда танкка снаряд тегиб, ёна бошлади. Командир “танкдан чиқинглар”, деб буюрди. Мен олдинги люкни очиб қиқчиш билан танкда снарядлар портлай бошлади. Бошимдаги шлем тушиб кетиб, сочларим қудйи. Қумли оқолга кириб, ўзимни ўнглаб олдим. Аммо экипажнинг бошқа аъзолари танк ичида қолиб, ҳалок бўлди. Мен бригаданинг “санчас”ида даволаниб чиқдим. Шундан сўнг 19 ёшимда икки чакмадаги сочлар қароиб қиққан экан. Шу боис “Урушда сочим оқарган”, деб ҳазиллашиб қўяман.

АДО ЭТИЛГАН ВАСИЯТ...

1941 йилнинг кузи... Мусахон дархатларда сарғайиб, шамолнинг беаҳағида охаста тебранганча гоҳ ерга, гоҳ ариқ сувига тушаётган олтин-ғир япроқларга термилиб ўтирарди. Унинг ҳаёли паршон оқди. Эртлага уруш-га жўнатиб. Умрида илк бор қўлмга қурол олади. Сўнг эса...

Қўлмдаги Эргашхоннинг тиширилаганидан Мусахоннинг ҳаёли бўлинди. Бир ярим ёшли ўғалининг митти бармоқлари унинг юзини оинади. Бекхтиёр йигитнинг кўзларига ёш қалқди. “Нима бўлган мактабдан жант киириш керак. Мана шу мурғакларнинг осуда ҳаёти учун, юрт тинчлиги учун, шаян, ор-номус учун!” У шу сўзларни пичирлаганча уйи томон шахдам юриб кетди...

Воқеалда тумонат одам ййрилганди. Фронтга отланган йигитларга оталар панд-насиҳат қилар, оналар, ёш гўлагини кўтарган аёллар унсиз кўз ёш тўқарди. Бошқа сафдошлари қабн Мусахон ҳам онаси тутган юнни тишлагач, югуриб поездга чўшиб олди.

Ҳадйчахон аянинг дуога кўтарилган кўллари, аёл Нисхоннинг мулган кўзлари ва ўғли Эргашхоннинг масъум чехраси унинг кўз ўнгида муҳралиб қолди...

1945 йил, 9 май. Иккинчи жаҳон уруши немис-фашистларнинг мағлубияти билан тугади. Мухораба майдони — ҳаёт-мамот майдони. Оловли жангтоҳлардан қимдир қайтди, қимдир қайтмади.

Жумладан, Андижон вилоятининг Марҳамат туманидан фронтга йўл олган Мусахон Аҳмедов ҳам “бедарак” кетади.

— Отам юборган мактубларини асраб қўйгандик, — дейди Эргашхон Хўжаёев. — Бу хатларда навқирон ёшда ҳаёстнинг ағчиш-чуқутини топишга мажбур бўлган — ёш онасини таш-себ, урушга кетган, турли снйовлар-ни, азоб-уқубатларни бошидан кечирган инсоннинг қалб дарилари акс этар-

ди. Шу билан бира, эл-юрт учун, мусарфро осмон учун қон кечиб, душманга қарши мардонавор жанг қи-лаётган ўқтам йигитнинг гурурбахш тўғилулари барқ урарди. Уларни ўқиб, чексиз ифтихор тўғрилди... “Азизларим, сизларни севдим. Уруш ҳам тутай деб қолди. Германия остонаси-дамиз. Ғалаба онари яяди...” Отамдан келган сўнги мактубнинг мазмунн шундай эди... Қун, ой, йиллар ўтди. Аммо биз кутпан инсон келмади.

Ҳадйчахон аянинг ўғлини қидириб, излаб-суриштириб бормаган жойи қолмади. Она барибир она-да! Узи гулдек сўлса-да, умиди сўймайди. 1956 йили ҳаёт билан видолашаркан, набираси Эргашхонга отасининг дарагини топишни васият қилди...

Собиқ иттифок даврида бир но-мағлуб тушпуча бор эди: номаълум аскар. Иккинчи жаҳон урушида Ватани, онаси, яқинлари учун жангта кирганлар тақдирига бундай ёндашув инсон

ларнинг барчаси миллати, тили ва ди-нидан қатъи назар, жоначон Ватанимиз ҳимояси, унинг фаровонлиги ва ободли-ги йўлида фидоқорона хизмат қилган, ҳаёти ва фаолияти Ўзбекистон билан боғлиқ бўлган қаҳрамонлардир.

Давлатимиз раҳбари таъкидлагани-дек: “Иккинчи жаҳон уруши йилларида фашизм балосига қарши қурашда кўп миллатли Ўзбекистон халқи томонидан амалга оширилган буюқ тарихий ишлар-ни келгуси авлодларга аниқ мисоллар асосида етказиш, уларни жасорат ва ва-танпарварлик руҳида тарбиялаш гоят муҳим аҳамиятга эга”.

Халқимизнинг яқин ўтмишидаги шон-ли тарихи, башариятни фашизм бало-сидан халос этишга қўшган улкан ҳис-саси, енгилмас иродаси ва матонати-дан ҳикоя қилувчи ушбу нашрлар юрти-мизда инсон хотираси азиз ва муқад-дас эканини намоён этиш билан бира, ҳар биримизни уруш даҳшатларини унутмасликка, бугунги тинч ва осуда ҳаётни қадрлаб яшашга даъват этади.

Ў.А.

эмасман. Муҳими, юртимизда тинч-лик бўлсин!

Жалақудуқ туманининг Қўшчинор маҳалласида истиқомат қилувчи ота-хон 7 фарзанд, 37 набира, 21 чевара ва эваралар ардоғида яшамоқда. Унинг уруш ҳақидаги ҳикояларини тинглаган ёшлар бугунги тинч ва осойишта кунларга осонликча эришилмагани, инсон ҳаётидаги энг бахтиёр онлар тинчликда, хотиржам-ликда ўтган дамлар эканлигига ишонч ҳосил қилади.

Саминжон ҲУСАНОВ
(«Халқ сўзи»).

Азаматжон ТОШМАТОВ олган сурат.

“Курск-Орёл” операцияси муваффа-қиятли тугагач, мени ва яна уч кишини Мичуринск шахрига ўқишга юборишди.

У ердан ўқишни тугатмасдан Москва вилоятининг Лублино шахрига олйи офи-церлар мактабига инструкторликка жўнатишди. Кейин Кострома шахрида бўлдим.

1945 йил март ойида қисиммиз фронтга юборилди. Варшаваи озод қилиш жангидан бошлаб, Бреслау шах-рини олишдаги қийн жангларда қат-нашдим. Шу йилнинг 30 апрелида за-ҳарланиб, Германиядаги Дихеренфурд шахрига яқин Оурас деган жойда бир госпиталда ётганимда уруш тамоm бўлганини тиббиёт ҳамширасидан эшитдим.

1945 йилнинг июль ойида госпитал-дан чиқиб, ўз қисиммга борсам, қазар-малар бўм-бўш. Бизнинг қисмии Узоқ Шарққа, Япония урушига жўнатиб юбо-ришган экан. Тўғри қўшинлар марка-зий гуруҳ-штабига бордим. Бир гене-рал мендан нима максатда юрганими сўради. Бўлган воқеани гапириб берув-дим, ўзинг қарерликан, деб сўраб қолди. Тошкентлик эканлигимни эши-тиб, “Э, земляк” деб бағрига босди. У генерал-майор Вершинин экан, Ялан-ғочда жойлашган ҳарбий мактабнинг бошлиғи бўлган экан. У ўзбекларга нис-батан жуда илиқ сўзларни айтди ва мен билан юр, деб генераллар магазини-га олиб бориб, бир катта чамадон харид қилди ва уйингдаги oilа аъзоларининг биттадан совға олгин, деб буюрди. Бир чамадон нарса олдим, пулини генерал-нинг ўзи тўлади. У жуда аҳойиб, меҳ-рибон инсон экан. Мени ўз машинаси-

да Будапештга олиб бориб, Украина то-мон кетаётган йўловчи поездига дўсти билан қўшиб кузатиб қўйди.

Поезд Ясси шахрига етиб келганда генералнинг дўсти мени Ўрта Осиё йўналишида кетаётган демобилизация қилинганлар эшелонига ўтказиб, хайр-лашди. Эшелон жуда секин юрар, бир-ор тупиқка кириб, 3 кун тўхтаб қолар эди.

Ҳуллас, бир ой даганда эшелон Тош-кентга етиб келди (1945 йил 12 ноябрь). Мен Арис станциясидан уйга телеграм-ма берган эдим. Лекин анча кутдим, ҳеч ким қўринмади. Эски шахарга бо-радиган машинага ўтирдим. Машина Эски Жўвага келганда бензин тамоm бўлиб тўхтади. Юкларимни тушириб, энди уйга қандай етиб оламан, деб тур-сам, Саида келинойимнинг отаси мени таниб қолиб, олдимга келиб қучқола-шиб қўришди ва уйгача олиб бориб қўйди.

Бизнинг 12-тупикда 8 та хонадон бўлиб, 13 киши фронтга кетган, шун-дан фақат 6 киши соғ-омон қайтган, холос. 4 йилу 4 ой армияда уруш дав-рида хизмат қилиб, уйга қайтиш менга ҳам насиб этди. Уша даврда энди 22 ёшга тўлган эдим...

Она Ватан ҳимоясини муқаддас бурч, деб билган ўзбек жангчи-ўғлонларининг юрт озодлиги учун олиб борган фидо-корона хизматлари тарихимизнинг ол-тин зарварақларига муҳрлиноб қолажак.

Азамат СУЮНОВ,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 556. 39 806 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг:

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Ўқоллар 71-232-11-15.



“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. Ў.А якуни — 01.30 Топширилди — 03.10

1 2 3 4 5 6